



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 31 октябрь, № 211 (6141)

Жума

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЮҚОРИ СИФАТ

маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилidir



Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, тармоқ корхоналарини тубдан модернизация қилиш орқали юқори унумдорликка эришиш ҳамда маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бермоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди. Кейинги икки-уч йил ичида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган 6 та йирик енгил саноат корхонасида 65,5 миллион АҚШ долларлик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилгани бунинг тасдиғидир.

ИСЛОХОТ

— Ана шундай янгиланишлар натижасида Беруний туманидаги “Астера текстиль”, Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл Асака текстиль”, Нукус шаҳридаги “Нукус текстиль” масъулияти чекланган жамиятларида кўшимча иш ўринлари ташкил этилган бўлса, Хўжайли тумани марказидаги “Хўжайли ип йиғирув фабрикаси” акциядорлик жамияти негизда “Elite Stars Textile” корхонаси фойдаланишга топширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республика-

си Иқтисодиёт вазирлиги бўлим мудирини Нурсейит Султанов. — Ҳозирги кунда йилига 5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижий буюртмачиларга etkazиб берилмоқда.

Этиборлики шундаки, Орол бўйида мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом этирилмоқда. Яқинда Амударё туманида 43,3 миллион АҚШ долларлик инвестиция эвазига масъулияти чек-

ланган жамият шаклидаги “Amudaryotex” хорижий корхонаси фойдаланишга топширилди.

Пахта хом ашёсидан йилига 6 минг тонна юқори сифатли калава ип ва бошқа турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона жамоаси ўз маҳсулотларининг 80 фоизини экспортга чиқаришни мўлжалламоқда.

— Ҳозиргача 250 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди,

— дейди корхона раҳбари Махсуд Жуматов. — Келгусида корхонамиз тўлиқ қувват билан ишлаб чиқаришга, уларнинг сонини яна 100 нафарга кўпайди.

Қисқаси, бугун мамлакатимиз енгил саноатини янада ривожлантириш учун хом ашё, ишчи кучи, мутахассислар, шарт-шароитлар етарли. Тизим корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидори ҳам нақд. Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган

Х Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида имзоланган шартномалар бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур йўналишда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш эса нафақат ушбу тармоқ, балки республикамиз иқтисодиёти раванқига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон шитоб билан ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун дадил интилоқда. Бунинг самараси барча соҳаларда яққол намоён бўлаётти. Чунинчи, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг беқиёс самаралари халқаро миқёсда ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кредитлаш тизими жаҳон рейтингда юқори поғонага кўтарилди

Кунини кеча Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси “Бизнесни юритиш — 2015” (Doing business) бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон қўлай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида охириги бир йил мобайнида 8 поғона кўтарилди, 141-ўринни эгаллади.

“Кредит олиш” индикатори бўйича эса рейтинг кўрсаткичларининг бундан юқори ўсиш суръати таъминланди. Яъни ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 26 поғона илгарилди, 104-ўринга чиқди.

Эришилган ушбу эътиборли натижа, айтиш керакки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” самараларини, макро-иқтисодий барқарорлик ҳамда чуқур таркибий янгиланишларни ўзида ифода этиб турибди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш-

нинг тобора такомиллаштирилиб борилаётган шароити, албатта, қўлга киритилган навбатдаги муваффақиятимизнинг мустақам пойдевори бўлди. Айтиш жоизки, кейинги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида кўплаб аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу жараёнда банк тизими босқичма-босқич ислохот этилиб, уларнинг ресурслари базаси мустаҳкамланди. Пировардида улар томонидан кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари сифати тубдан яхшиланди, айниқса, кредитлаш ва фойз сиеъати барча йўналишларда кенг кўлама ва миқёс касб этди.

Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг ушбу йиллик ҳисоботи ҳар йили мунтазам эълон қилиб келинади. Бу галги ҳисоботда дунё давлатларидаги бизнес юритиш шароити турли мезонларга биноан баҳоланди.

(Давоми 2-бетда).

Параосиё ўйинлари ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Жорий йилнинг 18 — 24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган II Параосиё ўйинларида спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, шижоат ҳамда матонат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини ва ҳеч қачон кам бўлмадикларини исботлашди.

ФАХР

Ушбу натижа орқали вакилларимиз қирқдан зиёд мамлакат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллашди ҳамда Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармойишига мувофиқ II Параосиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди. Кеча пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шухрати” музейида II Параосиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Тадбирда таъкидланганидек, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойда ривожланиш, юксалиш бўлади. Бунёдкорлик, обо-

донлаштириш ишлари кенг кўлама касб этади. Одамлар эзгу ниятларининг рўёбинини, фарзандлари камолини кўриб, тақдирдан рози бўлиб яшайди. Байрамлар байрамларга умалар, қувончли дамлар, тўю тантаналар кўпаяди. Биз мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг самаралари мисолида бунини яқин биламиз, теран ҳис этамиз. Йилдан-йилга юртимизнинг ҳар бир гўшаси кўркамлашиб, тобора чирой очиб бораётти. Янгидан-янги замонавий тураржойлар, маданий-маиший бинолар қад ростламоқда, таълим муассасалари, йўллар, кўприклар қури-

лаяпти. Қисқаси, инсон бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси яратиб берилмоқда. Ана шундай янгиланишлар жараёни одамларимизнинг руҳиятига кўтаринкилик бағишлаб, эртанги кунига бўлган ишончи янада мустаҳкамлашишга хизмат қилаётти. Айниқса, ёш авлодни пухта билим эгаллашга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидорини намоён этишга ундамоқда.

Гап спорт ҳақида кетар экан, Ўзбекистоннинг мазкур соҳада жаҳондаги мавқеи юксалиб бораётганини айтиш жоиз. Бунинг ҳам ўзига хос асослари, пойдевори бор, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Сиёсий партиялар учун масъулиятли давр

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси давом этмоқда. Ҳозирги кунда сиёсий партиялар ушбу кампаниянинг энг аҳамиятли босқичи, яъни депутатликка номзод кўрсатишга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

21 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВЛАР КУНИ

Бу босқичда пухта ўйлаб амалга оширилган ҳаракат сайлов натижаларига ижобий таънаиб кўрсатади. Негаки, сиёсий партиялар томонидан энг муносиб номзодлар танланиб, уларнинг депутатликка кўрсатилиши сайловларда ғалаба қозониш-

нинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сайлов қонунчилигига кўра, сиёсий партиялардан депутатликка номзод кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Жо-

рий йилда сайловлар 21 декабрь кунини ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига асосан, сиёсий партиялардан депутатликка номзод кўрсатиш шу йилнинг 17 октябрдан бошланди ва мазкур жараён 6 ноябрга қадар давом этади.

Шуни қайд этиш керакки, йил бошидан бери партиялар депутатликка номзодларни танлаш ишларини амалга оширишди.

Ўзбекистондаги барча тўртта сиёсий партия томонидан номзодлар захирасини шакллантириш ва уларнинг партия билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Кўппартиявийлик тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, халқаро мезонлар асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий пойдевор, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлар сиёсий партиялар фаолиятини оширишга, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шакл-

ланишига хизмат қилди. Натижада сиёсий партиялар фаолияти изчил такомиллашиб, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим сиёсий кучга айланиб бермоқда. Бунинг улар томонидан давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзод кўрсатиш жараёнидаги фаоллик мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, 2004 ва 2009 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган парламент сайловларида сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатишда кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилади.

(Давоми 2-бетда).

«OROL DENGIZI MINTAQASIDAGI EKOLOGIK OFAT OQIBATLARINI YUMSHATISH BO'YICHA HANKORLIKNI RIVOJLANTIRISH» XALQARO KONFERENSIYASI

«Халқаро анжуман Орол муаммосига ечим топиш йўлидаги самарали мулоқот майдонига айланди»

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 28-29 октябрь кунлари Урганч шаҳрида “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича хамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция юқори савияда ўтказилди. Бунинг унда иштирок этган БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ер ости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий хамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби тузилмалар ва бошқа халқаро ташкилотлар, молия институтлари раҳбарлари ҳамда вакиллари, ўттизга яқин мамлакатлардан келган олимлар, мутахассислар, экспертлар, экологлар, ишбилармонлар ҳам алоҳида эътироф этилди.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Акmal СИДДИҚ,
Осиё тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти бошлиғи:

— Мана шундай нуфузли конференцияда қатнаш менга катта ифтихор бағишлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни кутқариш халқаро жағфармаси раиси Ислам Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик сўзини эътибор билан эшитдик. Унда замонамизнинг энг долзарб экологик муаммоси — Орол фожиасининг келиб чиқиши, оқибатлари илмий-таҳлилий ва раван баён этиб берилди. Инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича устувор вазифалар нималардан иборат экани кўрсатиб ўтилди. Биз давлатимиз раҳбари, ҳукумати, Марказий Осиё мамлакатлари сув ресурслари бўйича тегишли ташкилот ҳамда идора раҳбарларидан изчил хамкорлик учун миннатдоримиз.

Сув қадим-қадимдан ҳаёт манбаи бўлиб келган. У Орол денгизи ҳавзаси, у ердаги табиат, одамлар турмуш тарзи учун, айниқса, қадрлидир. Осиё тараққиёт банки минтақа мамлакатлари охтиёж ва манфаатларини инобатга олган ҳолда, сув ресурсларини комплекс бошқа-

риш, қишлоқ хўжалиги тармоқларига тежамкор технологиялар ва инновацияларни жорий этишга йўналтирилган дастурлар ижросида иштирок этишда давом этади. Мазкур конференция бу борадаги мустақам алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, у Орол муаммосига ечим топиш йўлидаги самарали мулоқот майдонига айланди.

Дато Росли
Муҳаммад НУР,
Малайзия Эксимбанки департаменти директори:

— Президент Ислам Каримов томонидан конференция қатнашчиларига йўллаган табрик сўзида Орол муаммосини ҳал этишда хамкорликни кучайтириш заруратига алоҳида урғу берилди. Зеро, шу асосда кенг кўламли чора-тадбирлар самарали амалга оширилди. Айни пайтда Оролни кутқариш халқаро жағфармаси ва қатор донорлар биргаликда минтақада экологик барқарорликни яхшилаш, флора ва фауна неъматларини тиклаш, асраб-авайлаш, аҳоли саломатлиги, ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга собитқадамлик билан татбиқ этиляпти.

(Давоми 2-бетда).

Кувайт университетидида «Ўзбекистон кунлари»

Яқинда Кувайт университетидида уюштирилган «Ўзбекистон кунлари» ўзаро маданий-маърифий қадриятлар алмашуви ҳамда дўстона муносабатларни ва санъат соҳасидидаги алоқаларни янада фаоллаштириш йўлида ташланган навбатдаги ижобий қадам бўлди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимидида Кувайтнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, маданий ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган хорижий юрларнинг дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Икки кун давом этган «Ўзбекистон кунлари» доирасидида мамлакатимизнинг тарихи ва замонавий ривожланишини акс эттирган суратлар ҳамда халқ амалий санъати намуналари кўргазмалари, ўзбек санъат усталари иштирокидаги мусиқали дастур, шунингдек, «Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деб

номланган ҳужжатли фильм намойиши бўлиб ўтди.

Мазкур маданий тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ўзбек халқи жуда бой маданият ва санъатга эга эканлиги хусусидида атрафлича фикр юритишди. Улар «Ўзбекистон кунлари» Кувайтда эзгу аънамага айланиб қолиши ҳамда анжуман икки мамлакат халқлари ўртасидидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада чуқурлашишига хизмат қилаётганини қайд этдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида тадбирнинг айрим иштирокчилари ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

БМТ Тараққиёт дастурининг Кувайтдаги ваколатхонаси лойиҳалар бўйича мувофиқлаштирувчиси Трена Макомбер таъкидлаганидек, бу каби маданий кечаларнинг уюштирилиши ўзбек халқининг ижодиёти, санъати, урф-одат ва аънавалари ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини бериши баробарида, ўзаро дўстона муносабатлар ривожидида ҳам алоҳида ўрин тутди.

— Бой тарихий, маданий ва маънавий мерос, ноёб ҳамда мўътадил табиий иқлим шароити ҳар бир инсонни ўзига чорлайди, — деди Т. Макомбер. — Ана шундай омиллар боис бектор мамлакатингизга

саёҳат қилишни истовчилар жуда кўп.

Кувайт университети профессори, сиёсатшунос олим Мухаммад Салимининг фикрича, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасидида жойлашган Ўзбекистон тарихан бутун минтақа учун катта сиёсий-иқтисодий ва маданий-маънавий аҳамиятга эга мамлакат ҳисобланади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш, Марказий Осиё ҳудудидаги экологик муаммолар юзасидан билдирган таклиф ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ўзига жалб этмоқда ва улар

юксак баҳога сазовордир, — деди профессор.

Ўз навбатида, Кувайт университетининг ижтимоий фанлар факультети декани, профессор Абдул-Реда Ассири ҳам Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳасидида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни юқори баҳолади. Унинг фикрича, ислохотлар аҳоли турмуш сифати ва даражасини юксалтириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Истиклол йилларида Ўзбекистонда муҳим демократик ўзгаришлар рўй бердики, улар дунё жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлмоқда, — деди кувайтлик эксперт. — Шубҳа

йўқки, жорий йилнинг декабрига мўлжалланган сайловлар ҳам юксак савияда, демократия тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда ўтди.

«Kuwait Times» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Сунил Риве ўзбек замини дунё цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом ал-Бухорий, Мухаммад ал-Хоразми, Мирзо Улуғбек, Захирриддин Мухаммад Бобур ва бошқа шу сингари бутун жаҳонга машҳур олим ва мутафаккирларни етказиб берганини алоҳида таъкидлади. «Шу боис Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива сингари бектор шаҳарлари бугун дунё сайёҳларини ўзига ҳудди оҳанрабодек жалб қилмоқда», деди у.

«Жаҳон» АА. Ал-Кувейт

Маданият хабарлари



Пойтахтимиздаги «Истиклол» санъат саройидида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хотирасига бағишланган «Ўзбекистон, Ватаним!» деб номланган бадий кеча бўлиб ўтди.

«Улуғимсан, Ватаним!»

Мухаммад Юсуф ўзининг қисқа умри давомида истиклолни, ёр ва диёрни жўшиб қўлади. Унинг деярли барча шеърлари хофизлар томонидан қўшиқ қилинган. Чунончи, шоирнинг «Улуғимсан, Ватаним!», «Ватан», «Кўклар оғим», «Бевафо кўп экан дунёда» деб номланган юзлаб шеърлари қўшиқ бўлиб, санъат илосмандлари қалбидан муносиб ўрин эгаллаган. Санъат усталари ва умидли хонандлар ижросидида Мухаммад Юсуф шеърлари билан айтилган қўшиқлар кеча меҳмонларига манзур бўлди.

Мунис ИСОҚУЛОВА.

Навқирон санъаткорларга туҳфа

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий архитектура талаблари асосидида қурилган санъат даргоҳи миллий мусиқа асбоблари, компьютерлар, машғулотлар учун зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, у 150 ўринга мўлжалланган. Синфхоналар деворларига ўрнатилган ва жаҳон андозалари даражасидидаги овозюгич қатлам товуш сифатини ошириб, шовкинни камайтиради. Аини пайтда бу ерда ўқувчилар аънавий ижорчилик, эстрада хонандчилиги, ўзбек халқ чолғулари, зарбли ва дамли чолғулар, хор ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат йўналишлари бўйича сабоқ олишмоқда.

Шавкат ХУҲАҚУЛОВ.

«Кувноқ пингвинлар»

Шу кунларда пойтахтимизда жойлашган Цирк биноси болажонлар билан янада гавжум. Таъкидлаш жоизки, улар учун бу ерда ўргатилган ҳайвонлар, парранда дарахлардан эмас, балки «гапирадиган пингвинлар» томошаси қўйилмоқда.

Гап шундаки, «Мароқли хордик» катта кўйрочок театр студияси томонидан саҳналаштирилган «Кувноқ пингвинлар» номи ушбу театрлаштирилган томоша болажонларга гоят манзур бўлмоқда. Мазкур саҳна асаридида яхшиликнинг ёмонлик устидан галабаси, дўстга садоқат сингари фазилатлар акс эттирилган.

Гўзал РАҲМОНОВА.



Интилганга кенг имконият

Ўз танлаган соҳанга эришаётган натижаларинг эртанги муваффақиятларингга замин ҳозирлайди. Узоққа бормайлик, яқинда мамлакатимизда ўзига хос санъат байрами ҳисобланган VII Тошкент халқаро фотобиенналесини ўз ишини яқунлади.

ҲАЙРАТ

У орқали юртимиз ижод аҳли ва илосмандлари жаҳон тасвирий ва фото санъати оламида кечаётган энг сўнги ангилликлардан хабардор бўлишди. Еш ижодкорларнинг ишлари жаҳоннинг ўттиздан зиёд давлатидан келган таниқли фоторассомлар асарлари билан бирга намойиш этилиши кўнглимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Мен ҳам мазкур танловда иккинчи бор қатнашдим. Жамиятимизнинг энг илгор кишилари сиймоси акс эттирилган портрет жанридаги ижодий ишларим пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида намойиш қилинди. Шунингдек, тадбир доирасидида ташкиллаштирилган «Болалар маскани» кўргазма-танловидида ҳам иштирок этиш бахтига мўшарраф бўлдим. Гарчанд ушбу танловда голиблар қаторидан ўрин эгалламаган бўлсамда, унда қатнашиб, ўз устимда янада кўпроқ ишлашим, ўқиб-ўрганишим за-

рурлигини англадим. Қолаверса, ҳафталик давомида АКШ, Франция, Нидерландия, Испания, Жанубий Корея, Япония сингари мамлакатлардан келган фото санъати усталари ижоди билан танишдик. Улар иштирокидаги маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлдик. Айнқисса, германиялик Томас Элсен, англиялик Тим Флак сингари таниқли фотосомлар ўтказган машғулотлар барчага манзур бўлди.

Ушбу нуфузли тадбир бизни янги муваффақиятлар сари илҳомлантириши, шубҳасиз. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли. Фақат олға интилиб, яратилган қулайлик ва имкониятлардан оқилона фойдалансак, бас.

Бобур АЛИМХҲАЕВ, Камолиддин Бехзод номидида Миллий расмлик ва дизайн институти талабаси.

«Пахтакор» мuddатидан олдин чемпион

Тошкентда футбол бўйича Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати олий лигасининг 21-туридан ўрин олган қолдирилган учрашув бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ

Унда пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонидида Бухоронинг «Бухоро» клубига қарши баҳс олиб борди. Эътиборли жиҳати, мазкур ўйиндаги галаба мезонларга мuddатидан олдин чемпионликни туҳфа этар эди. Буни яхши англаган майдон эгалари беллашув бошидан ҳужумкорликка зўр беришди. Шу боис ҳам учрашув тўлиқ «пахтакорчилар» устунлигида ўтди ва улар 4:0 ҳисобидида галабага эришишди. Шу тариқа «Пахтакор» Ўзбекистон чемпионати тарихидида ўининчи бор чемпионликка эришган биринчи жамоа бўлди.

Маълумки, олдинда ҳали яна икки тур бор. Навбатдаги 25-тур ўйинлари 2 ноябрь куни бўлиб ўтди. Унда қуйидаги жуфтликлар ўзаро беллашди: «Локомотив» — «Нефчи», «Динамо» — «Бухоро», «Олмалик» — «Навбахор», «Машъал» — «Насаф», «Қизилқум» — «Металлург», «Пахтакор» — «Сўғдиёна», «Анджон» — «Бунёдор».

Фозилдин АБИЛОВ.

WWW.XS.UZ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон амалий санъати музейидида миллий амалий санъатимизнинг ноёб дурдоналари саналмиш 7,5 мингга яқин экспонат жамланган.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф етади. Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2014 йил 23 майдаги 1-2425/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/1 даҳаси, 17-«А» уйдаги, умумий майдони 53,84 кв.м., яшаш майдони 28,36 кв.м. бўлган 62-сонли хонадон кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтди. Буюртмалар юқоридида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да тўхтаилади. Аукцион савдосидида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Realtor» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 1049 7522 8001. МФО: 00445, СТИР: 302 269 399. Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Кўшимча маълумот олиш учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55 www.universal.realtor.uz Email: universal.realtor@mail.ru. Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Тахририятга келган кўлэмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказидида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Содиқов. Мусахҳах — Ш. Машраббоев. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5